

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

603 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 26 мартдаги ПҚ–1731-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 26 мартдаги ПҚ–1731-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 13 ноябрь,
307-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 13 ноябрдаги 307-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибида:

а) 2-банднинг «е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«е) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ишлаб чиқариши учун фой-

даланиш назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш юзасидан контрактни хорижий валютада тузган корхоналар бўйича хорижий валютадаги тушум деганда ушбу контрактлар бўйича тушган маблағлар тушунилади»;

б) 4-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«а) корхоналар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси ташқарисида божхона тартиботлари, юкларни транспортда ташиш, суғурталаш, экспедиция қилиш, воситачилик ҳақи, хорижий банкларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларининг кредитлари учун фоизлар, шу жумладан кафилларнинг фоизлари (муддати ўтказиб юборилган ва муддати кечиктирилган қарзлар бўйича фоизлар бундан мустасно) бўйича контрактларга мувофиқ хорижий валютада тўланган харажатлар миқдорига;

янги қурилиш, фаолият кўрсатиб турган ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш юзасидан валютадаги кредитлар учун асосий қарз тўлиқ қайтариб бўлингунгача бўлган даврда, асосий қарзни қайтаришга жорий тўловлар бўйича йўналтирилаётган маблағлар суммасига камаяди».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 6-бандига «сўмларда» сўздан кейин «халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар Ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда қатнашаётганлар билан эса — контрактда кўрсатилган валютада» сўзлари қўшилсин.